
ТАДБИРКОРЛАР БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ МУЛОҚОТ

Тадбиркорликни ривожлантириш, тадбиркор ва ишбилармонлар учун қулай шароитлар яратиш - иқтисодиётни ривожлантириш, янги иш ўринлари яратиш, аҳоли турмуш фаровонлигини янада юксалтиришда муҳим омил ҳисобланади.

Бугун, 27 сентябрь куни “Тадбиркорлар уйи”да тадбиркорлар билан учрашув ва қабул ўтказилди. Масъул ташкилотлар раҳбарлари иштирокида ўтказилган қабулда тадбиркор ва ишбилармонлар, лойиҳа ташаббускорлари, экспортчи корхоналар вакиллари секторлар раҳбарлари билан юзма-юз мулоқотда бўлиб, ариза, шикоят ва таклифларини баён қилдилар.

Қабул давомида банкдан кредит олиш масаласида 5 та, кадастр ва қурилиш масаласида 5 та, электр таъминоти ҳамда жой масалаларида биттадан, жами 17 та мурожаатлар қабул қилинди. Шу куннинг ўзида 6 та масалага ижобий ечим топилди. Қолган мурожаатлар бўйича назорат-режа ишлаб чиқилиб, қонунда белгиланган тартибда ва муддатларда кўриб чиқилиши назоратга олинди.

"Тадбиркорлар уйи" да кунлик тушган мурожаатлар, масалалар ва уларнинг ечим топаётганлиги ҳолати туман ҳокими томонидан ўрганилди. Ўрганиш якунида масъул ташкилотлардан бириктирилган ҳодимларга оғохлантириш ҳамда тегишли кўрсатмалар берилди.

Фурқат тумани ҳокимлиги АХБОРОТ ХИЗМАТИ

2021-09-27 15:13:49